

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ФАКТОРИНГ ХИЗМАТЛАРИ ОРҚАЛИ БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ровшанжон Рахимбабаев

Мустақил тадқиқотчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21950137>

Бизнес субъектларининг молиявий барқарорлиги уларнинг етарли миқдорда айланма маблағларга эга бўлиши билан бевосита боғлиқ. Корхона товар ишлаб чиқариши, хомашё сотиб олиши, иш ҳақи, транспорт, солиқ ва бошқа жорий харажатларни молиялаштириши учун доимий равишда ликвид ресурсларга эҳтиёж сезади. Бироқ товарлар муддатли тўлов шарти билан сотилганда реализациядан тушум дарҳол корхона ихтиёрига келиб тушмайди ва дебиторлик қарздорлиги шаклланади.

Масалан, корхона 1 млрд сўмлик маҳсулотни харидорга 60 кунлик тўлов шарти билан сотди. Бухгалтерия ҳисобида корхона даромад олган бўлса-да, амалда 60 кун давомида ушбу 1 млрд сўмдан янги ишлаб чиқариш циклини молиялаштириш учун фойдалана олмайди.

Шу нуқтаи назардан факторинг дебиторлик талабини кутилаётган пул оқимидан тезкор ликвид молиявий ресурсга айлантириш имконини беради.

Л. Клаппер факторингни кичик ва ўрта бизнес учун муҳим молиялаштириш механизми сифатида баҳолаб, унинг анъанавий кредитдан асосий фарқи молиялаштириш корхонанинг умумий кредит қобилиятига эмас, балки унинг харидорига нисбатан шаклланган дебиторлик талабининг сифатига боғланишини таъкидлайди. Бу айниқса гаров таъминоти чекланган кичик бизнес учун муҳимдир.

Ўзбекистонда ҳам ушбу молиявий инструментни ривожлантиришга сўнгги йилларда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентнинг 2024 йил 12 августдаги ПФ-109-сон Фармонида факторинг хизматлари ҳажмини уч йил давомида ўн баравар ошириш, рақамли факторинг платформасини ривожлантириш, халқаро факторинг, рефакторинг ва замонавий молиялаштириш механизмларини кенгайтириш вазифалари белгиланди.

Факторингнинг иқтисодий моҳияти пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаштиришдан иборат. Оддий схема қуйидагича:

етказиб берувчи → товарни харидорга етказиши → дебиторлик талаби юзага келади → талаб факторга ўтказилади → фактор корхонага маблағни олдиндан тўлайди → белгиланган муддатда харидор факторга тўлов қилади.

Бу ерда учта асосий субъект иштирок этади:

мижоз — товарни сотган ва дебиторлик талабига эга корхона;

молия агенти (фактор) — тижорат банки ёки факторинг хизматини кўрсатувчи бошқа кредит ташкилоти;

қарздор — товарни муддатли тўлов асосида сотиб олган харидор.

Факторинг анъанавий кредитга ўхшаб корхонага пул маблағи беради, аммо унинг иқтисодий табиати бошқача. Кредитда банк асосан қарз олувчининг молиявий ҳолати, кредит тарихи, гаров таъминоти ва пул оқимларига эътибор қаратади. Факторингда эса асосий актив - тасдиқланган дебиторлик талаби.

Шу сабабли факторинг кичик ва ўрта бизнес учун айланма маблағларни молиялаштиришнинг нисбатан мослашувчан механизми бўлиши мумкин.

2024 йилда қабул қилинган ПФ-109-сон Фармон факторинг бозорини ривожлантиришнинг институционал асосларини тубдан кенгайтирди. Фармон билан факторинг ташкилотларини нобанк кредит ташкилоти сифатида ташкил қилиш, хорижий валютада факторинг, рефакторинг, пул талабномаларини гаров реестрида қайд этиш ва электрон факторинг платформасини ривожлантириш назарда тутилди.

2025 йил 17 апрелда қабул қилинган қонунчилик ўзгаришлари билан факторинг ташкилотларини ташкил этиш учун ҳуқуқий асос яратилди. Факторинг ташкилотининг энг кам устав капитали 2 млрд сўм этиб белгиланиб, улар нобанк кредит ташкилоти сифатида Марказий банкда ҳисоб рўйхатидан ўтиши ва унинг назорати остида фаолият юритиши белгиланди. Шу билан бирга, норезидент контрагент бўлган ҳолларда хорижий валютада факторинг операцияларини амалга ошириш имконияти кенгайтирилди.

Мазкур институционал ўзгаришлар бозор кўрсаткичларида ҳам ўз аксини топмоқда.

2025 йилда Ўзбекистонда факторинг хизматларининг умумий ҳажми **9,5 трлн сўмни** ташкил этди. Унинг:

- 93 фоизи тижорат банклари;
- 7 фоизи микромолия ташкилотлари ҳиссасига тўғри келган;
- 46 фоизи рақамли факторинг платформалари орқали амалга оширилган;
- 642 млрд сўми халқаро факторинг операцияларини ташкил этган.

Факторинг хизматларининг 48 фоизи саноат, 44 фоизи савдо ва хизматлар, 4 фоиздан қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларига йўналтирилган.

2026 йил I чорагида бозорда ўсиш давом этиб, факторинг хизматлари 2,3 трлн сўмга етди ва 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 75 фоизга ошди. Тижорат банкларининг улуши 94 фоизни, рақамли платформаларда амалга оширилган факторинг эса 53 фоизни ташкил этди.

Бу рақамлар Ўзбекистонда факторингнинг экспериментал молиявий маҳсулотдан бизнесни молиялаштиришнинг реал ва мустақил сегментига айланаётганини кўрсатади.

Фикримизча, юқоридаги ислохотлар билан бирга, амалда қуйидаги муаммолар сақланиб қолмоқда:

Биринчидан, факторинг хизматларидан фойдаланиш ҳали ҳам бизнес субъектлари ўртасида бир хил тарқалмаган. 2025 йилда масъулияти чекланган жамиятлар факторинг ҳажмининг 65,4 фоизини олган бўлса, хусусий ва оилавий тадбиркорлик субъектлари улуши атиги 2,3 фоизни ташкил этган.

Бу эса энг кичик бизнес субъектларида факторингдан фойдаланиш даражасини ошириш имкониятлари мавжудлигини кўрсатади.

Иккинчидан, банк амалиётида корхонанинг молиявий ҳолатига асосланган анъанавий кредит скоринги факторингда ҳам тўлиқ кўчирилса, ушбу инструментнинг асосий устунлиги йўқолади. Факторингда молиялаштиришнинг марказида биринчи

навбатда дебитор - харидорнинг тўлов қобилияти ва пул талабининг ҳақиқийлиги туриши керак.

Учинчидан, факторингнинг регресс ҳуқуқи билан амалга ошириладиган шакллари устунлиги рискнинг асосий қисми яна етказиб берувчи зиммасида қолишига олиб келади. 2025 йилда Ўзбекистонда халқаро факторинг операцияларининг барчаси регресс асосида амалга оширилган.

Тўртинчидан, дебиторлик талабини тасдиқлаш, шартнома, ҳисобварақ-фактура, товар етказиб берилганлиги ва қарздорнинг тўлов тарихи ҳақида маълумотларни текширишдаги транзакцион харажатлар факторинг нархига таъсир қилади.

Бешинчидан, факторингнинг кредитдан фарқи ва афзалликлари бўйича тадбиркорларнинг молиявий саводхонлиги ҳали етарли даражада эмас. ПФ-109-сон Фармоннинг йўл харитасида ҳам банк ходимлари учун махсус ўқув курслари ташкил этиш ва тадбиркорлар ўртасида факторингни оммалаштириш алоҳида вазифа сифатида белгиланган.

Фикримизча, биринчи навбатда тижорат банкларида “қарздорга асосланган факторинг лимити” тизимини кенг жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Бунда банк ҳар бир етказиб берувчини алоҳида қайта-қайта таҳлил қилиш ўрнига йирик ва ишончли харидорлар учун умумий факторинг лимитини белгилайди.

Масалан, йирик савдо тармоғининг банкда 100 млрд сўмлик тасдиқланган факторинг лимити мавжуд бўлади. Ушбу тармоққа товар етказиб берувчи 50–100 та кичик корхона ўз ҳисобварақ-фактураларини шу лимит доирасида молиялаштира олади. Бу реверсив факторинг механизмини ривожлантиради.

Иккинчидан, электрон ҳисобварақ-фактура, электрон товар-транспорт юк хати, солиқ маълумотлари ва банк ҳисобварақларидаги пул айланмаларини факторинг платформаси билан интеграция қилиш орқали “бир ҳисобварақ-фактура - бир молиялаштириш” тамойилини таъминлаш зарур. Бу бир хил талабни икки ёки ундан ортиқ факторга сотиш каби фирибгарлик рискларини камайтиради.

ПФ-109-сон Фармонда факторинг платформасини электрон ҳисобварақ-фактуралар, электрон товар-транспорт юк хатлари, молиявий ҳисоботлар ва ташқи савдо тизимлари билан интеграция қилиш назарда тутилган.

Учинчидан, факторинг хизматининг нархини рискка қараб дифференциация қилиш лозим. Соддалаштирилган шаклда:

Факторинг қиймати = ресурс қиймати + қарздор rischi + операция харажати + хизмат комиссияси.

Ишончли қарздор бўйича факторинг нархи паст, юқори riskли қарздор бўйича эса юқорироқ бўлиши табиий.

Тўртинчидан, регресссиз факторинг ва кредит суғуртаси механизмларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Регресссиз факторингда қарздор тўлов қобилиятини йўқотганда рискнинг белгиланган қисми молия агенти зиммасига ўтади. Бу факторингни оддий дебиторлик гарови асосидаги кредитдан мазмунан ажратиб туради.

Бешинчидан, экспорт қилувчи кичик ва ўрта бизнес учун халқаро факторинг имкониятларини кенгайтириш зарур. 2026 йил I чорагида халқаро факторинг ҳажми

190 млрд сўмга етиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 41 баравар ошгани ушбу сегментнинг катта салоҳиятини кўрсатади.

Олтинчидан, тижорат банклари кредит маҳсулоти сотиш модели билан бир қаторда дебиторлик портфелини бошқариш моделига ўтиши мақсадга мувофиқ. Бунда банк мижозга фақат пул бермайди, балки: дебиторларни таҳлил қилади → талабларни молиялаштиради → тўловларни мониторинг қилади → дебиторликни ундиришни бошқаради → мижознинг пул оқимини прогноз қилади. Натижада факторинг банкнинг оддий кредит маҳсулотидан комплекс молиявий хизматга айланади.

Хулоса қилиб айтганда, таҳлиллар Ўзбекистонда факторинг бозори янги ривожланиш босқичига кирганини кўрсатмоқда. Қонунчилик базасининг UNIDROIT Факторинг бўйича намунавий қонунига яқинлаштирилиши, махсус факторинг ташкилотларининг ташкил этилиши, рақамли платформалар, халқаро факторинг ва рефакторинг имкониятларининг яратилиши мазкур молиявий инструментнинг институционал салоҳиятини оширди. UNIDROITнинг 2023 йилда қабул қилинган намунавий қонуни ҳам факторинг ва дебиторликни молиялаштиришни кредитга кириш имкониятини кенгайтирувчи мустақил ҳуқуқий механизм сифатида ривожлантиришни кўзда тутди.

Фикримизча, тижорат банкларида факторингни янада ривожлантириш учун қуйидаги чораларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Молиялаштириш лимитини етказиб берувчидан кўра ишончли дебиторнинг тўлов қобилиятига боғлаш;
2. Реверсив факторингни йирик корхоналар ва уларнинг етказиб берувчилари занжирида кенгайтириш;
3. Электрон ҳисобварақ-фактураларни молиялаштириш жараёнини тўлиқ автоматлаштириш;
4. Қарздорнинг рақамли скоринги асосида динамик факторинг тарифларини жорий қилиш;
5. Регресссиз факторинг ва кредит суғуртаси механизмларини кенгайтириш;
6. Экспорт қилувчилар учун халқаро факторинг ва Two-Factor моделларини ривожлантириш;
7. Кичик бизнес учун факторингга киришда соддалаштирилган рақамли тартибни жорий этиш;
8. Банкнинг факторинг хизматини мижознинг дебиторлик портфели ва пул оқимларини бошқариш хизмати билан интеграция қилиш.

Мазкур таклифларнинг амалга оширилиши натижасида факторинг бизнес субъектлари учун анъанавий кредитни шунчаки алмаштирувчи восита эмас, балки дебиторлик қарздорлигини тезкор ликвидликка айлантирувчи, айланма маблағлар узлуксизлигини таъминловчи ва бизнеснинг молиявий барқарорлигини оширувчи замонавий банк инструменти айланади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 августдаги “Факторинг хизматлари бозорини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-109-

сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. “Факторинг бозори хизматлари шарҳи: 2025 йил якунлари”. – Тошкент, 2026.
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. “Факторинг хизматлари бозори: 2026 йил I чорак”. – Тошкент, 2026.
4. UNIDROIT. Model Law on Factoring. – Rome, 2023.
5. Klapper L. The Role of Factoring for Financing Small and Medium Enterprises // Journal of Banking & Finance. – 2006. – Vol. 30(11). – P. 3111–3130.
6. Mol-Gómez-Vázquez A., Hernández-Cánovas G., Koëter-Kant J. Legal and Institutional Determinants of Factoring in SMEs // Journal of Small Business Management. – 2018. – Vol. 56(2). – P. 312–329.
7. FCI. World Factoring Statistics 2025. – Amsterdam, 2026.
8. FCI. Annual Review 2026. – Amsterdam, 2026.